



ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!
Мамлакатимизда ягона ва аҳил оила бўлиб яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элатлар вакиллари бўлган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўпмиллатли бутун халқимизни 30 июль – Халқлар дўстлиги куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳеч шубҳасиз, юртимиз заминида қадимги даврлардан буён давом этиб келаётган этник хилма-хиллик ноёб ижтимоий ҳодиса бўлиб, бугун – Янги Ўзбекистон шароитида янгича маъно-мазмун ва аъёнларга эга бўлиб бораётгани диққатга сазовордир.

Барчамиз учун азиз ва мўътабар бўлган Ватанимиз айнан шу асосда инсон қадр ва бахти улуғланидиган том маънодаги тинчлик, дўстлик ва меҳр-оқибат дийёрга айланиб бормоқда, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Муҳтарам дўстлар!
Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили бўлган миллатлараро муносабатларни ривожлантиришни биз юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб олдик ва бу борада улкан ишларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Аввало, соҳага доир давлат сиёсати тубдан такомиллаштирилиб, унинг ҳуқуқий ва институционал асослари мустаҳкамланди.

Энг муҳими, бу йўналишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилиб, уларнинг имкониятлари бирлаштирилиб, тизимли ва кенг миқёсда иш олиб борилмоқда.

Биргина мисол – мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 157 та миллий-маданий марказ, 42 та дўстлик жамияти ва хориждаги 100 дан ортиқ ватандошлар жамоат бирлашмалари давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда юртимизда дўстлик ва бағрикенглик муҳити, миллий ва умумбашарий қадриятлар

уйғунлигини мустаҳкамлаш, чет эллар билан маданий-маърифий алоқалар, халқ дипломатиясини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қўллаб-қўллаб ижобий натижаларга эришмоқда.

Биз ўзининг ҳалол меҳнати, ватанпарварлик фазилатлари билан республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга бекиёс ҳисса қўшиб келаётган турли миллатга мансуб юрдошларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Улар давлат ва жамоат ташкилотларида турли масъул лавозимларда чин дилдан меҳнат қилишмоқда, фидокорона хизматлари учун Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишмоқда. Уларнинг орасида депутат ва сенаторлар, таниқли ишлаб чиқариш вакиллари, тадбиркорлар, таълим, тиббиёт, илм-фан, маданият, адабиёт, санъат ва спорт намоёндалари борлигини барчамиз яхши биламиз.

Ўз тақдири ва келажагини Ўзбекистон билан боғлаган бундай олижаноб юрдошларимиз тарихий ватанлари билан мамлакатимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда ҳам алоҳида намуна кўрсатишмоқда.

Миллий-маданий марказларнинг барчамиз учун умумхалқ байрамларига, гўзал қадриятларга айланиб кетган Наврўз ва Мустақиллик тантаналари, бошқа оммавий тадбирларни ўтказишда доимо фаол иштирок этиб келишаётгани ҳам таҳсинга лойиқдир.

Барчамиз биргаликда нишонлаётган бугунги байрам – Халқлар дўстлиги куни ҳам халқимизнинг тинчлик, дўстлик ва эзгулик ғоялари мужассам бўлган бой маданияти, урф-одат ва аъёнларини яққол намоён этиш учун яна бир катта имконият эканини таъкидлаш лозим.

Сўнгги йилларда қатъий сиёсий иродамиз билан минтақамиздаги қардош давлатлар билан дўстона алоқаларимиз янги босқичга кўтарилиб, дунё сиёсатида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора ва воқелик пайдо бўлгани барчамизнинг умумий ютуғимиз, десак, тўғри бўлади. Бу ҳақда гапирганда, шу йил март ойида Ўзбекистон – Қирғизистон – Тожикистон чегаралари ўзаро туташган

нуқтада “Дўстлик” стеласи ўрнатилгани ўртамиздаги яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамлиб бораётганидан яна бир ёрқин далолатдир.

Ҳурматли юрдошлар!
Дунёнинг турли минтақаларида миллий ва диний асосда турли низолар давом этаётган ҳозирги ўта таҳликали шароитда ягона Ўзбекистон ғояси асосида энг катта бойлигимиз – юртимиздаги оқошхалқ ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, билим-маърифат, касб-ҳунарлар эгаси этиб тарбиялаш, инклюзивлик тамойилларини чуқурлаштириш борасидаги ишларимизни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Ўзбекистон фуқароси эканидан фахрланадиган барча миллат ва конфессиялар вакиллари ҳамда хориждаги ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини Конституция ва қонунларимиз талаблари асосида ҳамма жойда қатъий ҳимоя қилиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Сиз, азизлар Ватанимизнинг иқтисодий ва ижтимоий қудратини ошириш, халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлида бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилиб, бутун куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангиз, истеъдод ва маҳоратингизни, касбий ва инсоний салоҳиятингизни тўла намоён этасизлар, деб ишонаман.

Барчангизни бугунги шукҳли байрам билан яна бир бор қизғин табриқлайман.

Сизларга мустаҳкам соғлик, мамлакатимиз равнақи йўлидаги олижаноб фаолиятингизда янги зафарлар, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Барчамиз учун ягона Ватан бўлган жонажон Ўзбекистонимиз доимо омон бўлсин, ҳамиша гуллаб-яшнасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК РАМЗИ

Ўзбекистон азалдан ўзининг дўстлик, биродарлик ва бағрикенглик аъёнлари билан ном қозонган бетакрор Ватан. 130 дан ортиқ миллат ва элатлар бир оила фарзандидек ҳамжиҳат яшаётган муқаддас замин. Ўзаро ҳурмат асосига қурилган мустаҳкам ришталар. Тинчлик, миллатлараро тотувлик, бирдамлик, меҳр-мурувват каби олий қадриятларга садоқат кўрсатиб келаётган қарийб 38 миллион халқ. Буларнинг барчаси ҳар биримизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди. Тил, маданият, аъёна, урф-одатлар, либослар бир-биридан фарқ қилса-да, Ватан ягона ва мақсадлар муштарак. 16 та диний конфессия, 157 та миллий-маданий марказ ва 38 та дўстлик жамияти ўз фаолиятини самарали давом эттирмоқда.

Асосийси, уларнинг барчаси мамлакат тараққиёти, эртанги авлод истиқболи учун бел боғлаган. Таълим-тарбия, замонавий касб-ҳунарларга иштиёқ, илмий изланишлар, спорт, санъат, иқтисод, сиёсат, маданият, умуман, барча соҳаларда юксак марраларни эгалламоқда. Хусусан, мамлакатимиздаги давлат таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнлари 7 тилда олиб борилади. Қардош тилли мактабларда таҳсил олаётган ўқувчилар давлат ҳисобидан дарслик ва бадий адабиётлар билан таъминланмоқда.

Ҳудудларда фаолият юритаётган “Дўстлик уйлари” турли миллатга мансуб фуқаролар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим ўринга эга. Давлат сиёсатидаги устуворликлардан бири эса кўпмиллатли халқимиз – мамлакатнинг энг катта бойлиги, юртимиздаги миллатлар ва конфессиялараро ҳамжиҳатлик – барча ютуқ ҳамда марраларнинг мустаҳкам асоси эканидир.

Айтиш ўринлики, Ўзбекистонда сўнгги йилларда эришилган катта ютуқ ва натижалар, ўзгариш ва янгилашлар жаҳон ҳамжамяти томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Юртимиз тараққиёти учун амалга оширилаётган, эътирофларга сазовор бўлаётган ана шундай эзгу ишларда ҳар бир ватандошимизнинг ҳиссаси бор.

Яна бир муҳим жиҳат. Турли миллатларни бирлаштирувчи омиллардан бири умумий байрамлар, тантаналарнинг биргаликда нишонланишидир. Ана шулардан бири БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси билан эълон қилинган Халқаро дўстлик куни ҳисобланади ва у тўрт йилдирки, Ўзбекистонда кенг нишонланиб келинмоқда.

► (Давоми 3-бетда)

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ САРИ

ҚОНУНИЙ ТАШАББУСЛАР ҲАМДА КАФОЛАТЛАР

Аёл бир қўлида бешикни, бир қўлида дунёни тебратди, дейишади. Демакки, аёлни асраш оламни асраш билан баробар муҳим масаладир. Хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш бу йўлдаги асосий қадамлардан саналади. Шу мақсадда юртимизда опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш тарзи яратиш, уларни ҳимоялаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Афсуски, мазкур чора-тадбирларга қарама-қарши ҳисбатан турли зўравонлик, руҳий ва жисмоний таҳдидлар ҳали ҳам давом этмоқда.

► (Давоми 2-бетда)

Ватан уйун, миллат уйун,
халқ уйун!



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ ЎЗГАРТИРГАН 8 ЙИЛ

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида саккиз йил олдин бошланган кенг қўламли ислохотларимиз туфайли жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий манзараси бутунлай ўзгариб бораётгани ҳақида ўйлаганимда, кўз ўнгимда, энг аввало, Қорақалпоғистон гавдаланади. Оролбўйидаги ўзгаришларнинг ёрқин ифодасини бугун бу заминга таширф буюрган киши борки, ҳар қадамда кўради, қувонади, ғурурланади.

...Қуриб қолган денгиз, қовжираган атроф-муҳит, ўнқир-чўнқир кўчалар, тўкилиб турган уйлар, шаҳар деб айтишга тил бормайдиган

Нукус, деярли унутилган Мўйноқ, олисда бўзлаган Бўзатов, файзи кетган туманлар.... Яқин ўтмишдаги бу дилгирлик энди гўё тушга ўхшайди.

Бугунги яшилликка бурканаётган саҳро, жонланаётган табиат, ҳақиқий пойтахтга айланган Нукус, дунё эътиборини тортган Мўйноқ, “Қорақалпоғистоннинг Швейцарияси” дея таърифланаётган Бўзатов, умуман, барча ўзгаришлар янги Қорақалпоғистонга узукка қўйилган кўздек ярашиб турибди.

► (Давоми 4-бетда)

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ САРИ

ҚОНУНИЙ ТАШАББУСЛАР ҲАМДА КАФОЛАТЛАР

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ваҳоланки, бүгун аёлларни асраш, ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланди. Зеро, уларни ҳимоя қилиш оилани, фарзандларни асраш, тинчликни таъминлаш каби муҳим асосларга эга. Чунки фарзанд тарбияси, камолотида оналарнинг ўрнини ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайди. Уларга нисбатан зулм эса ўғил-қизларга салбий таъсир кўрсатиб, жамиятга носоғлом инсонлар кириб келишига сабаб бўлади.

Шу ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлиси ҳамда партиялар фракцияларида кўриб чиқилган қонун лойиҳаларининг бири ушбу масалага алоқадорлиги билан депутатлар диққат марказида бўлди. Гап шундаки, янги меъёрларга кўра, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонун билан таъйик ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларни ишга жойлаштиришда иш берувчиларга ижтимоий мажбурият юклаш, назарда тутилмоқда. Бу қандай амалга оширилади?

“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази таъйик ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларни махсус талабнома билан маҳаллий меҳнат органига юборади. Мазкур ташкилот таъйик ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларни бўш иш ўринларига жойлаштиради. Мавжуд бўш иш ўрни уларнинг мутахассислигига тўғри келмаса ёки бошқа сабабларга кўра у ерда ишлай олмаса, уларга муносиб иш ўрни топилмагунча ишсизлик нафақаси тайинланади.

Шунингдек, бўш иш ўринлари мавжуд бўлган ҳолда асоссиз равишда рад этган иш берувчиларга нисбатан жавобгарлик белгиланиши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди. Шу билан бирга, иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида эътиборга олинishi керак бўлган жиҳатларга ҳам тўхталиб ўтилди.

ҲАВОЛАКИ МЕЪЁРЛАР ИШЛАМАЙДИГАН МЕЪЁРЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

“Ижтимоий иш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди. Аввало бу тушунчага таъриф берсак. Яъни, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг имконият ва салоҳиятини оширишга кўмаклашадиган, ижтимоий хизматлар ва ёрдамни ривожлантириш орқали жамиятда ижтимоий ўзгаришларга олиб келадиган фаолиятга ижтимоий иш дейилади. Мазкур тушунча қонунчилигимизга яқинда кириб келган бўлса-да, жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи йўналиш саналади. Шу маънода ушбу ҳужжатнинг зарурати ойдинлашади.

Таъкидландики, лойиҳа билан ижтимоий иш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, ижтимоий иш соҳасида махсус ваколатли давлат органи ҳамда унинг ваколатлари, ижтимоий ходимнинг вазифалари ва мажбуриятлари белгиланмоқда. Қолаверса, оғир ижтимоий



вазиятга тушиб қолган ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар (оилалар)нинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ижтимоий ишни ташкил этиш ҳамда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш назарда тутилмоқда.

Моддама-модда кўриб чиқилган масалага кўра, давлат томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар (оилалар)нинг оғир ижтимоий вазиятдан чиқишга ва жамият ҳаётида иштирок этиши учун бошқа шахслар билан тенг бўлган имкониятларни яратишга қаратилган кафолатланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши белгилаб берилмоқда. Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила (шахс) ни аниқлаш ва уларни ижтимоий ҳимояга муҳтож оила (шахс) деб топиш асослари, ижтимоий хизматлар ва ёрдамдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасида ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг турлари ва шакллари ҳам аниқлик киритилмоқда. Хусусан, ижтимоий хизматлар бирламчи, ихтисослашган ва юқори ихтисослашган турларга ажратилади. Ушбу хизматлар фуқаронинг уйида, маҳалласида, ижтимоий объектларда ҳамда онлайн шаклда кўрсатилиши назарда тутилмоқда. Булар билан бир қаторда хизматлар ва ёрдам кўрсатиш шартномаси асосида фойдаланиш ҳамда тугатиш асослари ҳам қонун лойиҳасида акс этмоқда.

Қайд этиш керакки, қонун лойиҳасида нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субектларининг ижтимоий хизматлар ва ёрдамларни кўрсатишда иштирок этиши масалалари ҳам тартибга солинган. Умуман олганда, қонун ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашади.

Фракция аъзолари лойиҳани ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳаётини яхшилашга хизмат қилишини таъкидлаб, бир қатор асосли эътирозларини ҳам билдириб ўтди. Хусусан, лойиҳада ижтимоий хизматларнинг турлари аниқ келтирилмагани, бироқ ўша хизматлар учун стандарт белгиланаётганига ургу берилди. Шунингдек, ҳаволаки

меъёрлар кўплиги масаласида ҳам фикрлар билдирилди.

Шу билан бирга, депутатлар қонуннинг такомилга етиши учун ижодкорлар билан бирга ишлашга тайёригини билдиришди. Қонуннинг ёрдамга муҳтож аҳоли қатлами учун долзарблигини, у қанча эрта кучга кирса уларнинг ҳаётига шунча тез енгиллик олиб киришини инобатга олиб лойиҳани маъқуллаб овоз беришди.

БЕПУЛ ЮРИДИК ЁРДАМ АСОСИ

Конституциямизнинг 55-моддасида ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли эканлиги белгиланган. Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Бироқ барча фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилишда зарур ҳуқуқий билимга эга бўлавермайди. Бундай ҳолларда фуқаролар ўз ҳисобидан ҳуқуқий ёрдам олишга эҳтиёж сезади. Кам таъминланган шахслар эса бунинг учун керакли маблағга эга бўлмаслиги мумкин.

Ваҳоланки, Конституциявий судга фуқаролар мурожаат қилиб, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида адвокат хизматидан фойдаланиш, ҳуқуқий ёрдам олишга эҳтиёж сезади. Шундан келиб чиқиб, кам таъминланган шахсларга малакали юридик ёрдам олиш учун ҳуқуқий асос сифатида 2023 йил 16 июнда “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган.

Мазкур қонунга биноан, кам таъминланган шахслар фуқаролик ишлари бўйича

даъвогарлар ёки жавобгарлар бўлса, давлат томонидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, маъмурий ишлар бўйича аризачилар, маъмурий қамоқ тарзидаги жазо назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар, жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар ёки маҳкумлар ҳам ушбу ҳуқуқдан фойдалиниши мумкин.

Маълумотларга қараганда, ўтган йиллар давомида юртдошларимиз бу имкониятдан кенг фойдаланиб келмоқда. Хусусан, 2024 йилда Конституциявий судга жами 1 858 та мурожаат келиб тушган. Шундан 569 таси бевосита судга юборилган бўлса, қолган қисми Президент виртуал қабулхонаси орқали амалга оширилган. Яна бир жиҳати, уларнинг барчаси ҳам бир йўналишга тааллуқли эмаслигидир. Мисол учун, мурожаатларнинг 289 таси бевосита Конституциявий суднинг ваколатига тегишли масалаларга оид бўлиб, улар Конституциявий суд судьялари томонидан ўрганиб чиқилиб, муаллифларга асослантирилган тушунтиришлар берилган.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кам таъминланган шахслар Конституциявий судга мурожаат қилганда уларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш амалдаги қонунда тартибга солинмаган. Янги қонун лойиҳаси эса белгиланган тартиб-таомиллар ва шартларга мувофиқ тўлиқ ёки қисман давлат ҳисобидан кўрсатиладиган, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган малакали юридик ёрдам кўрсатиши янада тақомиллаштириши назарда тутади.

Таклиф этилаётган қўшимчалар натижасида фуқароларнинг суд орқали самарали ҳимояси ҳамда Конституцияда белгиланган талабларнинг сўзсиз таъминланиши кутилмоқда. Агар мавжуд тартиб фуқаролар конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган бўлса, Конституцияга мувофиқ келмаса ҳамда судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилиб, ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланилган бўлса, таклиф этилаётган тартибга кўра, қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоятларни мазмунан ва сифатли тайёрланишига хизмат қилади.

Умуман олганда, фуқароларнинг қонунларда бузилган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш юзасидан судга мурожаат қилиш имконияти кенгайиб, одил судловга эришиш даражасини ошириш, аҳолининг судларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга асос бўлади.

Фракция аъзолари барча масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, қарашлари ҳамда таклифларини билдирди. Ҳамкорликда кўриб чиқлиши зарур бўлган жиҳатлар белгиланди. Концептуал жиҳатдан долзарблиги инобатга олиниб, лойиҳа биринчи ўқишда маъқулланди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

МУНОСАБАТ

ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ САРИ ҚАДАМ

Жиззах воҳасида янги sanoat маркази сифатида қад ростлаётган Зомин технопарки мамлакатдаги энг йирик ва келажакка йўналтирилган лойиҳаларидан бири ҳисобланади. 400 гектар майдонда жойлашган мазкур технопаркда 1,2 миллиард долларлик 31 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, уларнинг катта қисми Хитой компаниялари билан ҳамкорликда бажарилади. Мазкур ташаббус нафақат янги иш ўринларини яратиш, балки Ўзбекистон sanoatини технологик жиҳатдан мустаҳкамлашга ҳам қаратилган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 22 июль куни Жиззах вилоятига ташриф буюриб, Зомин технопарки махсус sanoat зонасини кўздан кечирди ва унда амалга оширилаётган ҳамда режалаштирилган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Президентнинг таъкидлашича, бу каби янги sanoat майдонлари маҳаллий иқтисодиётни тубдан ўзгартириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва ёшлар бандлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун ҳам Зомин технопарки нафақат инвестицион ҳудуд, балки инновацион тараққиёт марказига айланиши лозим.

ИЛК ЛОЙИҲАЛАРДАН – АМАЛИЙ НАТИЖАГА

Президент ташриф пайтида технопаркда фаолият бошлаган илк корхоналарда ҳам бўлди. Улардан бири — Хитойнинг “Xinjiang Honglin Tiandi” компанияси томонидан қурилган бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводидир. Ушбу корхона 10 миллион долларлик инвестиция ҳисобига қурилган бўлиб, 60 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Республикамизда бунёдкорлик ишлари қўлаи ва суръати ошиб бораётган айна кезде ички бозорда бетон ва қурилиш маҳсулотларига бўлган талаб юқори эканини назарда тутсак, бу заводнинг истиқболига ҳеч шубҳа қилмаслик мумкин.

Яна бир муҳим лойиҳа — “Midea” бренди остида маиший техника ишлаб чиқарувчи корхонанинг қурилиши ҳудуд иқтисодий ривожига муҳим аҳамият касб этади. 42 миллион долларлик инвестиция йўналтирилган корхона йилига 300 минг дон талабгир маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлади. Бу ерда 150 нафаргача ишчи фаолият олиб боради. Лойиҳада заводнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш назарда тутилган.

Эътибор қилсак, Зомин технопаркидаги лойиҳаларнинг барчаси бир-бирини тўлдирувчи тарзда ташкил этилмоқда: қурилиш материаллари, маиший техника, электр жиҳозлари, озик-овқат sanoati, логистика ва

таълим марказлари. Умумий мақсад — замонавий sanoat экотизимини шакллантириш.

КЕЛАЖАК УЧУН РЕЖАЛАР

Ташриф доирасида Президентимиз технопарк билан чегараланмай, вилоятда амалга оширилиши режалаштирилган бир қанча қўшимча лойиҳалар тақдимоти билан ҳам қизикди. Улар орасида қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш марказлари, агротехнологияни ривожлантириш, логистика ва бошқа хизматларни кўрсатиш инфратузилмасини яхшилашга қаратилган ташаббуслар бор.

Давлатимиз раҳбари таълим ва малака ошириш масалаларига алоҳида диққат қаратгани бежиз эмас. Ёшларни янги муҳандислик ва технологияларга тайёрлаш, касб-хунарга ўқитиш бўйича топшириқлар берилди. Жумладан, Зомин технопаркида инженерлик маркази, логистика тренинг маркази, инновация ва тадқиқот марказларини ташкил этиш режалаштирилган. Бу эса иш ўринларини сифат жиҳатидан яхшилашга, маҳаллий кадрлар салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, технопарк ҳудудида хизматчилар учун турар жойлар, экобоғлар, кўрғазма заллари ва савдо объектларининг қурилиши замонавий ижтимоий инфратузилмани яратиш, шу орқали юзлаб инсонлар учун қулай шароитда яшаш ҳамда ишлаш

имкониятини тақдим қилиш режалари ҳам устувор вазифа бўлиб турибди. Мана шунинг ўзиёқ барча ислохотлар инсон манфаъати учун қаратилганини тасдиқлайди.

ЯНГИЛАНИШНИНГ РАМЗИЙ НУҚТАСИ

Ишончимиз комилки, Зомин технопаркининг 2025–2029 йилларга мўлжалланган стратегик лойиҳалари бутун ҳудудни sanoat ва технология марказига айлантиради. Президент ташаббуслари ижроси сифатида бу ҳудудда 5 мингдан ортиқ янги иш ўрни, экспортбор sanoat маҳсулотлари яратилади. Пировардида Жиззах вилояти нафақат миллий, балки минтақавий иқтисодий марказлардан бирига айланади. Зомин технопарки эса бу йўлда, таъбир жоиз бўлса, янгиланишнинг рамзий нуқтаси сифатида эътироф қозонади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах вилоятига ташрифи ва Зомин технопаркидаги ислохотларнинг бошланиши воҳада sanoatlashув жараёнига кучли туртки бўлиб, ички ва ташқи инвесторлар учун рағбатлантирувчи механизмларни янада кучайтирмоқда.

Нуриддин ХОЛМАТОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Жиззах вилоят Кенгаши раиси.



30 ИЮЛЬ – ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК РАМЗИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

ТОЛЕРАНТЛИК ҒОЯСИ – МУСТАҲҚАМ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ



Ирина ТОКАРЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ҳозирги замонавий жамиятда толерантлик ғояси миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик негизида қурилади. Шунингдек, инсоният, халқлар ва миллатларнинг ижтимоий-фалсафий меросига таянувчи мустаҳкам пойдевор сифатида намоён бўлади. "Толерантлик тамойиллари декларацияси"да шундай таъкидланган: "Толерантликсиз тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлиши мумкин эмас". Демак, ижтимоий-сиёсий барқарорлик – миллатлараро толерантликнинг асосидир.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида бошланган ислохотларнинг энг устувор вазифаларидан бири – жамиятда миллатлараро тотувлик ва толерантлик муҳитини янада мустаҳкамлашдир. Мамлакатимизда 30 июль – "Халқлар дўстлиги куни" сифатида кенг нишонланиши ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Жамиятимизда шаклланган толерантлик муҳити халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Тарих шуни кўрсатадики, фақат яратувчанлик, ўзаро тушуниш ва умумий манфаатлар йўлида биргаликда меҳнат қилиш инсонни ривожланишининг янги босқичига олиб чиқиши мумкин. Шу жиҳатдан қаралганда, ғоявий жараёнлар аҳамияти ортиб бормоқда. Чунки замонавий дунёдаги энг муҳим вазифа – инновацион илмий-тадқиқотлар ва ютуқлар орқали юксак марраларга эришар эканмиз, бу жараёнда руҳий-маънавий қадриятларни йўқотмасликдир.

Айни шу маънода инсонларни миллати, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа жиҳатларидан қатъий назар бирлаштирадиган Халқлар дўстлиги кунининг миссияси алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур сананинг маъноси жамиятимизда мавжуд дўстлик ва бирдамлик муҳити – тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини оширишнинг асосий омили ҳисобланиши билан тавсифланади.

Бу йўналишдаги ишларга Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тузилган 65 та парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Улар Ўзбекистон билан дўстлик ришталари боғлаган мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Олий Мажлис депутатлари таркибида мамлакатимизда яшовчи турли миллат вакиллари фаолият юритмоқда.

Таъкидлаш керакки, "Ўзбекистон – умумий уйимиз" тамойили асосида миллатлараро тотувлик ва дўстликни сақлаш – мустақиллик йилларида кўп миллатли халқимиз қўлга киритган энг қимматли ютуқлардан бири. Жамиятдаги тинчлик ва тотувлик – мамлакатнинг ташқи ва ички сиёсатида, иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар соҳалардаги ютуқларини таъминловчи асосий омил ва мустаҳкам пойдевордир.

Шу билан бирга, Халқлар дўстлиги куни нафақат байрам, балки мамлакатнинг маданий мероси хилма-хиллигини намоён қилиш имконияти ҳамдир. Ушбу кунда халқ ҳунармандчилиги кўرғазмалари, миллий бадийи жамоалар концертлари, миллий ҳунармандчилик ва ошпазлик бўйича маҳорат дарслари ташкил этилади.

Байрам муносабати билан бутун мамлакат бўйлаб тантаналар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилади. Кенг қўламадаги кўрғазмалар ва театр томошалари бўлиб ўтади. Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги маданият ва дам олиш боғларида, майдонларда турли миллат вакиллари, маданий марказлар ҳамда дўстлик жамиятлари фаоллари иштирокида "Халқлар дўстлиги" фестиваллари ўтказилмоқда. Демак, мамлакатимиздаги кўпмиллатли халқимиз янада жипслашмоқда, янги ришталар, истикболли режалар туғилапти.

КЎПМИЛЛАТЛИ, БАҒРИКЕНГ, МЕҲМОНДЎСТ ЗАМИН

— Конституциямиз талабларига мувофиқ, мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва динлараро ҳамжиҳатлик изчил таъминланмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ирқи, жинси, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қарамасдан, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ҳимоя қилинади.

Шунингдек, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини жамиятда қарор топтириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги ислохотларнинг ҳам устувор мақсади сифатида белгиланган. Бу ислохотлар инсон шайни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилгандир.

Бунга Навоий вилояти мисолида назар солсак. Бугунги кунда вилоятимиз ҳудудида турли миллат вакиллари тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб давлат бошқаруви органлари ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқларида, илм-фан ва маданият соҳаларида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Хусусан, Конимех туманида ҳам қозоқ, ўзбек, қорақалпоқ, татар, корейс миллатига мансуб фуқаролар аҳилликда яшайди. Миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳити ва кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш мақсадида қозоқ, қорақалпоқ миллий маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда. Турли миллат вакилларининг урф-одатлари ҳамда анъаналари ўзига хослигини сақлаш, келажак авлодга мерос қилиб



Иба НАРИЗОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

қолдириш ва ривожлантириш мақсадида қорхона-ташқилот ҳамда муассасаларда миллий тадбирлар ўтказилиб борилади.

Қолаверса, бой тарихий меросимиз, маданиятимиз ва санъатимиз хорижлик сармоядорлар ҳамда сайёҳларни ўзига жалб этмоқда. Олис чўл ҳудудида очилган сайёҳлик турлари меҳмонларга хизмат қиляпти. Бу вазиятда кўпмиллатли фуқароларнинг тафаккури, турмуш тарзи ва феъл-атворидаги бағрикенглик тамойиллари шубҳасиз муҳим ўрин тутди.

Туман иқтисодиётини ривожлантириш, инвестиция ҳажмини ошириш мақсадида

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ЎЗ ОНА ТИЛИДА ТАЪЛИМ ОЛМОҚДА

— Марказимиз 1992 йилда ташкил этилган ва 33 йилдан буюн миллатимиз маданияти, ўзагини авлодларга етказишда бош-қош бўлиб келмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда 813 мингдан зиёд қозоқ миллатига мансуб фуқаро истиқомат қилади. 361 та қозоқ тилидаги мактаб, 7 та вилоятдаги олий таълим даргоҳларида қозоқ тили ва адабиёти кафедралари ҳамда факультетлари фарзандларимизнинг билим олиши учун фаолият кўрсатмоқда. Тил йўқолса, миллат йўқолади, деган гап бор. Ўғил-қизларимиз ўз она тилида 11 синфни битириб, олийгоҳларда ҳам ўз она тилида имтиҳон топшириб, таълимнинг кейинги босқичини давом эттирмоқда. Табиийки, келажакимиз эгалари бўлган ёшлар учун яратилган шароитлардан миллатдошларимиз ҳам тўлақонли фойдаланиб келмоқда.

Иккинчи бир жиҳати, турли адабиётлар ўзбек тилидан қозоқ тилига ва аксинча, қозоқ тилидан ўзбек



Серикбай УСЕНОВ, Республика қозоқ миллий-маданий маркази раҳбари:

тилига таржима қилиниб, мактабларга берилаяпти. Яъни, жамоат фондлари,

ДЎСТЛИКДА ЧЕГАРА БЎЛМАЙДИ

— Халқлар дўстлиги куни мана 4 йилдирки, нишонланиб келинади. Қувонарлиси, ушбу санага давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар бир дастур йил сайин янгиланиб, қамрови ортиб бормоқда. Озарбайжон миллий-маданий марказимизнинг яна 5 та ҳудудда филиали мавжудлиги эса бизга кўрсатилаётган эътибор ифодаси, деб биламан.

Турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Дўстлик уйларида эса ҳар бир миллат учун алоҳида жойлар ажратилган бўлиб, унда маданият марказлари ўз анъаналарига мувофиқ кўрғазмалар ташкил қилмоқда. Ёшлар ўз она тилида иқтидорларини, салоҳиятини намоёиш қилмоқда. Қўл меҳнати билан тайёрланган ҳунармандчилик буюмлари ҳам миллийлигимиз тимсоли сифатида иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Умуман олганда, ушбу байрамни ҳар бир миллат вакили қаторида озарбайжонлар ҳам ҳаяжон ва интиқлик билан қарши олади. Эътиборлиси, Халқлар дўстлиги байрамининг давлатимиз мустақиллиги куни олдида нишонланишида ҳам катта рамзий маъно мужассам.



Мобил МАГАМЕДОВ, Республика озарбайжон миллий-маданий маркази раҳбари:

Шу билан бирга, Ўзбекистонда яшайдиган барча миллат ёшлари ўртасида дўстлик ришталари мустаҳкамланишида жуда муҳим. Бизнинг маданий марказ эса ушбу масалага алоҳида урғу беради. Давлатимиз томонидан миллий-маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг қўллаб-қувватланиши хорижий

қўшни давлатлар билан иқтисодий, сиёсий, дипломатик алоқалар ўрнатилган. Қозоғистон Республикасида ўтказилган қозоқ миллий қолғу асбоби бўлган "Дўмбира" беллашувида туман ёшлари иштирок этиб, икки мамлакат дўстлигини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшди. Қатор миллий анъаналар ва спорт ўйинлари авлоддан авлодга мерос бўлиб келмоқда.

Яна бир гап. Бу ришталарни қариндошлик муносабатлари билан боғлаб, янада мустаҳкамлаш яхши анъанага айланган. Турли миллат вакиллари ўртасида тузилган никоҳ нафақат бахтли оила қўргони, балки жамиятда мустаҳкам тиргак, тинчликни таъминловчи восита сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Халқлар дўстлиги куни муносабати билан бир ҳафта давомида юртимизда ўтказилаётган маданий-маърифий ва оммавий тадбирлар — ҳалигача ҳеч бир давлат томонидан илгари сурилмаган ташаббусдир. Бундай эзгу ғояни амалга ошириш бутун инсоният учун миллатлараро тотувликнинг қайта баҳоланишига, турли миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ҳаётини сақлаш зарурлигини янада чуқур англашга хизмат қилади. Шу билан бирга, бу ташаббус Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш ва ижобий имижини мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қўшади. Шундан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, энг катта бойлик, энг юксак қадрият – жамиятимиздаги миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси, Ўзувчилар уюشمаси каби бир қатор ташкилотларнинг кўмаги билан 44 мингдан ортиқ нусхада китоб чоп этилди ва таълим муассасаларига топширилди.

Юқорида айтиб ўтганларим марказимиз томонидан амалга оширилаётган ишларнинг бир йўналиши, холос. Нега бу масалага урғу берганимга келсак, чунки таълимдан бошқа нажот йўқ. Билимли инсон ҳеч қачон хор бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, йигит-қизлар онгига миллий қадрият ва анъаналар, яшаб турган мамлакат ҳамда ундаги ислохотлар ҳақида ўз она тилида сингдириб бориш энг тўғри йўл, деб биламан. Сабаби, бу дўстликни мустаҳкамлашга, тенглик ва адолатнинг таъминланишига, алаалоқибат, осийшталикнинг бардавомлигига хизмат қилувчи муҳим қадам саналади. Зеро, фақатгина тинчлик ҳужм сурган жойда ривожланиш бўлади, жамият тараққиётга юз тутди. Биз эса бу борада елкадош, ҳамқадам ва ҳамнафас бўлиш орқали муносиб жавоб қайтаришга бор кучимизни сафарбар этамиз.

мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш ҳамда жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги ютуқларни тарғиб этишнинг энг самарали усулларидан саналади.

Сўнгги йилларда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар мазмуни ва сифати сезиларли даражада яхшиланди. Бугун мамлакатимизда нафақат бошқа миллат вакиллари муносиб шароитларда яшashi, балки уларнинг тили, адабиёти ва анъаналарини ривожлантиришга ҳам кенг имкониятлар берилмоқда. Муҳими, буларнинг барчаси қонун билан кафолатланган.

Биласизми, дўстлик ва биродарлик шундай тушунчаки, йўллар ва йиллар унга таъсир ўтказа олмайди, масофа танламайди, тил, дин ёки ирқ билан чегараланмайди. Халқлар дўстлиги куни ва у билан боғлиқ тадбирлар эса ушбу ришталарнинг янада жипслашиши, мустаҳкамланиши йўлида муҳим аҳамият касб этади. Бу орқали олий маънавий фазилатлар, ўзаро ҳурмат, меҳр, эътибор, кадр-қиммат ва бағрикенглик янада жонланади. Мазкур омиллар Ўзбекистон тараққиёти ва фаровонлиги пойдевори саналади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири.



Ватан уйун, миллат уйун, халқ уйун!



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ ЎЗГАРТИРГАН 8 ЙИЛ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

БАРЧАНИ ОРОЛБЎЙИДА БИРЛАШТИРГАН ТАШАББУС

Биламизки, Орол денгизи ўтган асрнинг 60-йилларидан қурий бошлаган. 80-йилларга келиб “денгиз” дегулиги қолмаган. Тўғри, 2017 йилгача ҳам уни қутқариш бўйича турли таклифлар билдирилган, муҳокамалар, йирик тадбирлар ўтказилган, аммо бари самарасиз бўлган. Шу йиллар давомида ҳудуд аҳолиси “Бизга ҳам киндир ёрдам берар”, деган умид билан яшаган.

Эсимда, 2018 йил май ойида Орол денгизининг қуриган тубидан кўтарилган тузли бўрон нафақат Қорақалпоғистон, балки Хоразм вилоятининг ҳам катта ҳудудини қоплаб, деҳқончилик ва одамлар саломатлигига катта зарар етказди. Ноябрь ойида эса Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи доирасида Мўйноқ туманида бўлиб, Орол денгизининг қуриган майдонида саксовул экиш ташаббусини илгари сурди. Вазият,

саҳифа” деб баҳолаган эди. Бу бежиз эмас, албатта.

ЯНГИ ҲАЁТГА ҚАЙТГАН МЎЙНОҚ

Президентимиз Мўйноққа илк ташрифидаёқ маданият Мўйноқдан бошланади, дея мўйноқликлар кўнглида эртанги кўнга катта умид уйғотди. “Орол фожиасидан энг кўп зарар кўрган асли шу — Мўйноқ аҳолиси. Уларнинг сабр-қаноати, ватанпарварлиги, меҳнаткашлиги учун раҳмат айтишимиз, шунга муносиб хизмат қилишимиз керак”, деган эди давлатимиз раҳбари. Ростки, ўша давларда бу ерга келган киши бефайз ва қолоқ инфратузилмани, оғир ижтимоий шароитни кўриб, хафсаласи пир бўлар эди. Аммо давлат раҳбарининг қатъий иродаси билан ҳам кўлами, ҳам аҳамияти жиҳатидан жиддий ислохотлар бошланди.

Аҳолини қийнаётган асосий муаммо экология бўлса, ундан кейингиси ишсизлик эди. Ана шу муаммони ҳал этиш мақсадида қишлоқ хўжалигига ихтисослашган «Мўйноқ келажиги бунёдкорлари» масъулият чекланган жамияти ташкил этилди. Жамиятга 20 минг гектар ер майдони ажратилиб, ишсиз юрган минг нафарга яқин ёшларнинг бандлиги таъминланди. Хотин-қизлар учун доимий даромад манбаини яратиш мақсадида эса «Мўйноқ порлоқ текс» тикувчилик фабрикаси ишга туширилди. Бошқа қатор қорхона ва заводлар қурилиб, ўз фаолиятини бошлади. Қисқа фурсатда Мўйноққа қўнғиротдан 104 километрлик ичимлик суви тортилди. Янги турар

жойлар, “Мўйноқ сити” барпо этилди. Айниқса, Мўйноқ аэропорти янгиланиб, фойдаланишга топширилгани яна бир тарихий воқеа бўлди. Бу “ҳаво порти” 1947 йилда қурилган бўлиб, илгари кичик самолётларни қабул қилган. Кейинчалик умуман ишламай қолган. Аэропортда 50 нафар йўловчига

“

«ОРОЛ ЧЕКИНСА ҲАМ, ИНСОН ЧЕКИНМАЙДИ», ДЕГАН ЭЗГУ ГОЯ ХАЛҚИМИЗНИ ОРТГА ЧЕКИНИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАДИ. МЕҲНАТЛАР ЗОЕ КЕТМАДИ. 2018 ЙИЛДАН БУГУНГИ КУНГА ҚАДАР САЛКАМ 2 МИЛЛИОН ГЕКТАР МАЙДОНДА САКСОВУЛ ВА БОШҚА ЧЎЛГА ЧИДАМЛИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ УРУҒ ВА КЎЧАТЛАРИ ЭКИЛДИ.

мўлжалланган янги терминал қурилди, учаш-қўниш йўлагига ва майдончалар таъмирланди. Мажмуа атрофи кўкаламзорлаштирилди. 30 йилдан сўнг қайта бунёд этилган аэропортга илк бор 2022 йил 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг самолёти келиб қўнди.

Туман марказида янги 245 ўринли маданият уйи, минг ўринли стадион ва 800 ўринли амфитеатр аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Кейинги йилларда туманда «Балиқдан 99 турли таом», «Стихия», «Мўйноқ ралли тур» каби халқаро нуфузли тадбирлар ўтказилиши аёнанага айланди.

Мухими, бугун мўйноқликлар тузли шамоллар анча пасайганига гувоҳ бўлишмоқда. Атрофда янги кўллар, қамишзорлар пайдо бўлган, натижада ёввойи ҳайвонлар кўпаймоқда, биохилмаҳиллик ривож топыпти. Буларнинг барчаси Мўйноқ янги ҳаётга қайтганидан далолатдир.

ҚАЙТА ТИКЛАНГАН БЎЗАТОВ

Бугун Қорақалпоғистонда кўркамлиги, қадимий ва осмонўпар дарахтлари, баҳаволиги билан дунё эътиборини тортаётган яна бир ҳудуд – бу Бўзатовдир. Давлатимиз раҳбари бу ерга



“Қорақалпоғистоннинг Швейцарияси”, дея таъриф бергани ҳам бежиз эмас. Лекин унинг тарихи кишини ажаблантиради. Бўзатов тумани илк бор 1979 йилда ташкил топган ва 1988 йилда тугатилиб, 1990 йилда яна туман сифатида тўзилган. Сўнг 2004 йилда Кегейли тумани таркибига қўшиб юборилган. 2019 йил Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз ташаббуси билан Кегейли тумани «Қўсқанатов», «Еркиндарья», «Аспантай» овулларининг, «Бўзатов» шаҳарчасининг ҳамда Чимбой тумани «Кўк-сув» овулининг ҳудудлари бирлаштирилиб, Бўзатов тумани қайта ташкил этилди. Узоқ йиллар давомида гоҳ ташкил этилиб, гоҳ тугатилиб келинаётган туманининг ижтимоий – иқтисодий аҳволи, одамлар ҳаёти ҳам шунга яраша эди. Лекин 2020–2021 йилларнинг ўзида бу ерда кўп қаватли уйлар, савдо мажмуалари, минг ўринли амфитеатр, спорт майдони, Ёшлар маркази қурилди, йўллар таъмирланди. Тўқимачилик қорхонаси иш бошлади.

2022 йилда Президентимиз ташаббуси билан Қорақалпоғистоннинг туманлари вилоятларга бириктирилди. Бўзатов тумани бириктирилган Фарғона вилояти кўмағида ҳудудда кўплаб лойиҳалар амалга оширилди. Яъни, 2023–2024 йилларда жами 22,1 миллиард сўм ҳисобидан қатор ижтимоий соҳа объектлари қурилди, таъмирланди ва жиҳозланди. Айниқса, ер унумдорлигини ошириш, ёввойи тўқайзорлар атрофида янги экин майдонларини ўзлаштириш, сув танқислиги муаммосини бартараф этиш масалаларига эътибор қаратилди. Олис масофалардан сув олиб келинди. Ўн йиллар давомида фойдаланилмай ётган ариқлар тозаланди. Қисқасини айтганда, Бўзатов тумани “Фарғона тажрибаси” асосида ривожлантирилмоқда.

2020 йили давлат раҳбари қорақалпоғистонлик ёшлар билан мулоқот чоғида ёш истеъдод эгаллари мана шу гўзал масканга келиб, туманининг обрўсини ва доврўғини бутун дунёга танитиши учун “Ёшлар овози” танловини ўтказиш ташаббусини илгари сурган эди. 2021 йилдан бошлаб ушбу танловни ўтказиш аёнанага айланди. Танлов бахшчилик, аёнанавий ижро, опера ва эстрада йўналишлари бўйича ўтказилади. Президентимизнинг ҳолис нияти рўёбга чиқиб, шу кўрик-танлов жараёнларида бутун дунё санъат, маданият, адабиёт аҳлининг диққати Бўзатовга қаратилади. Хорижликларнинг ҳам унда иштирок этаётгани бу элни дунё таниётганидан далолатдир.

Ўтган вақт давомида танловнинг республика босқичида фахрли ўринларни эгаллаган ёшлар “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, “Шухрат”, “Келажак бунёдкори”, “Мард ўғлон”, “Нихол”, Зулфия номидаги давлат мукофотлари соҳиби бўлишди.

ОБОД БЎЛГАН НУКУС

Қорақалпоғистоннинг маркази – Нукусдаги ислохотлар ҳақида сўз юритишдан олдин шаҳар марказидан ўтган “Дўстлик” каналининг қисқа тарихига назар соламиз. Бундан 25–30 йиллар муқаддам “Қизқетган” деб аталувчи мазкур каналнинг икки соҳили чакалакзорлар билан қопланган, кишида ваҳима ва кўркўв уйғотадиган бир аҳволда эди. Қадимги даврда унга бир қиз чўкиб кетгани учун шундай номлангани ҳақида ривоятлар юрарди.

Шавкат Мирзиёев Бош вазир бўлиб ишлаган даврида, Қорақалпоғистонга ташрифларининг бирида бу ердаги аянчли аҳволни кўриб, шу каналнинг номини “Дўстлик” деб ўзгартириш ва

унинг атрофини обод қилиш бўйича топириқ берганини одамлар хануз эслашади. Шундан кейин канални бетонлаш, икки соҳилини ободонлаштириш ишлари бошланган. “Ёшлар маркази” ва бошқа дам олиш масканлари бунёд этилган.

Бугун эса каналнинг шаҳар ҳудудидан ўтадиган 2,5 км қисми бўйида аттракционлар, яшил ҳудудлар, музей, умумий овқатланиш нуқталари кун сайин кўпаймоқда. Атрофда уй-жойлар, меҳмонхоналар барпо этилди. Бу ер нафақат нукусликлар, балки, шаҳар меҳмонларининг ҳам

севимли дам олиш масканига айланди.

Тўғриси, яқин йилларгача Нукус Қорақалпоғистоннинг пойтахти бўлса-да, ички йўллар, ободонлаштириш, ичимлик суви, оқова сув, хуллас, маший-коммунал масалалар билан боғлиқ муаммолар жуда кўп эди. Айниқса, чанг-тўзонли, ёгин-сочинли кўнларда йўллардан юриб бўлмасди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 23–24 февраль кўнлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида ана шу муаммоларни ҳал этишга қаратилган қатор вазифалар белгиланди. Аввало, ўрганиш ва таҳлиллар ўтказилиб, шаҳардаги 64 та маҳалланинг 38 таси ички йўллар ва ободонлаштириш нуқтаси назаридан “оғир”, 8 таси эса “ўта оғир” деган хулосага келинди. Қисқа муддатда йўллар асфальтланди, кўм-шағал тўшалди, тўнги ёриткичлар ўрнатилди. Газ, электр энергияси тармоқлари таъмирланди. Бир сўз билан айтганда, инфратузилма яхшиланди. Бу эса нукусликларнинг мамнуниятига ва ҳаётдан рози бўлиб яшашларига замин бўлди.

Бундан ташқари, Нукуснинг қиёфасига кўркамлик, замонавийлик бахш этадиган бунёдкорликлар амалга оширилди. Бунга мисол сифатида шаҳар ҳудудидаги “Оққуш” мажмуасини келтиришимиз мумкин. Қисқа вақт ичида эллик гектардан ортқ майдон обод қилиниб, кўплаб ўтовлар барпо этилди. Энг катта ўтовнинг диаметри 42, баландлиги 22 метр. Бу ерда турли маданий тадбирлар, форумлар ўтказиш мумкин. Бир замонлар шунчаки бошпана сифатида яратилган қорақалпоқ халқининг миллий “қора уйи” ана шундай муҳташамлик касб этиб, жаҳон миқёсида эътироф этилишини ким ўйлабди, дейсиз?!

Ҳа, ўтган йил 22 августда Нукус шахри



ҳудудидаги «Оқ қуш» мажмуасида барпо этилган дунёдаги энг катта диаметрли қорақалпоқ халқининг миллий “қора уйи” (ўтов) Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.

Ҳозир Нукусда бу каби иншоотларни кўплаб учратиш мумкин. 17 қаватли IT маркази, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти, Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази Қорақалпоғистон филиали, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг Нукус филиали бинолари каби қатор янги иншоотлар нафақат шаҳар кўрқига кўрк қўшиб турибди, балки, аҳолига сифатли таълим, тиббий ва бошқа хизматларни кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Барча шароитларга эга замонавий кўп қаватли уй-жойлар эса одамларнинг ҳаётини беэмоқда.

Бугун баён этганимиз – Қорақалпоғистоннинг кечаги ва бугунги қиёфасидан баъзи чизгилар эди, ҳолос. Аслида бундай ўзгаришлар нафақат Оролбўйидаги туман ва шаҳарлар, балки маҳаллалар, овуллар, олис нуқталарга етиб борган. Ўрт обод бўлса, кўнгли обод бўлади. Бугун қорақалпоғистонликлар кўнглидаги ободлик, ҳаётдан розилик ва шукроналикнинг сабаби ҳам шудир.

Назира МАТЯҚУБОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгеси депутати,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган журналист.



ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ



Тан олиш керак, инсон капитали ҳамда халқ саломатлигига дахлдор соҳа – соғлиқни сақлашда оддий одамларимиз эътирозларига сабаб бўлаётган камчилик ва бўшлиқлар йўқ эмас. Мамлакатимизда соҳанинг бирламчи бўғинини ривожлантириш, касалликларни эрта аниқлаш, миллат генофондини асраш йўлида олиб борилаётган ислохотлар ушбу муаммоларга узил-кесил барҳам бериш, ҳар бир шахснинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишга оид конституциявий ҳуқуқини таъминлаш жараёнига янги суръат бағишламоқда. 2024 йилдан бошлаб амалиётга босқичма-босқич татбиқ этилаётган давлат тиббий суғуртаси тизими айни шу мақсадларга хизмат қилиши кўзда тутилган.

Хўш, сўнгги пайтларда бот-бот тилга олинаётган давлат тиббий суғурта тизими нима ўзи? 2024 йил 1 октябрдан Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида, 2025 йил 1 январдан Қорақалпоғистон Республикасида жорий қилинган ва 2026 йил якунига қадар мамлакатимиз бўйлаб тўлиқ йўлга қўйилиши режалаштирилган янги тизим аҳоли учун қандай афзалликлар беради?

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижро этувчи директори ўринбосари Улуғбек КАНДИМОВга шу ва бошқа саволларимиз билан юзландик.

шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида суғурта механизми синов тарзида амалга оширилди. Ушбу ҳудудларда электрон тиббий маълумотлар тизими, шифокорларнинг иш ҳақини беморлар билан боғлиқ ҳолда баҳолаш ва кафолатланган тиббий хизматлар рўйхати жорий этилди.

2025 йилнинг охиригача яна олти вилоятда давлат тиббий суғуртаси механизми тажриба-синов тариқасида йўлга қўйилади. Асосий мақсад фуқароларнинг саломатлигини давлат ҳимоясига олиш ва ҳар бир тўланган сўмнинг манзилли сарфланишини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон аҳолиси сони йилдан-йилга ортиб бораётган бир пайтда барчанинг малакали тиббий хизматдан тенг фойдаланиши учун давр талабларига мос, янги ва барқарор молиялаштириш модели зарур.

Давлат тиббий суғуртаси ана шу молиялаштириш модели сифатида фуқароларнинг соғлиғига масъулиятли ёндашувни, тиббий хизматлар сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Асосийси, соҳада коррупцияни қисқартириш учун шароит яратяпти, деб иккиланмай айтиш мумкин.

-Сирдарё вилояти, пойтахт ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида

жорий этилган тиббий суғурта механизмларининг амалий натижалари ҳақида гапириб берсангиз. Юртдошларимизнинг бу борада фикрлари ҳам биз учун қизиқ...

-Мазкур тизим тиббиёт ходимларининг иш самарадорлиги ва тиббий хизмат сифатини сезиларли даражада оширмоқда. Мисол учун, давлат тиббий суғуртаси механизми жорий этилган Сирдарё вилоятида аҳоли бугун тиббий хизматлардан фаол фойдаланяпти. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тезлиги ва самарадорлиги ортаётгани кузатишмоқда. Бунини юртдошларимиз ҳам эътироф этмоқда. Мисол учун, Гулистон туманида яшовчи 67 ёшли Зайнаб опа юрак ҳуружи билан шифохонага ётқизилгач, суғурта тизими ёрдамида бепул даволангани, юрагига иккита стент қўйилгани, ҳатто дорихоналардан керакли дори-дармонлар ҳам бепул берилганини айтиб, ўз миннатдорлигини билдирган бўлса, қорақалпоғистонлик 58 ёшли фермер Миркамол ака шундай дейди: "Илгари катта тўлов қилиб даволанардик. Суғурта орқали даволаниш осонлашди. Ҳозир эса оилавий поликлиникамизда ҳам, шифохоналарда ҳам хизматлар бепул, сифати яхшиланган". Бизни қувонтираётгани, бундай миннатдорлик мурожаатлари кун сайин кўпаймоқда. Демак, фуқаролар соғлиғини ҳимоя қилишнинг янги тизими амалда ўзини оқлаяпти.

-Давлат тиббий суғурта тизимига хусусий клиникалар ҳам қўшилганми?

-Ҳа. Давлат тиббий суғуртаси давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари ўртасида ҳамкорликни назарда тутди. Хусусий тиббиёт муассасаси Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан махсус шартнома тузади. Ушбу шартномада суғурта доирасидаги хизматлар рўйхати, стандартлар ва маблағ тўлаш механизмлари белгилаб қўйилади.

Бемор хусусий клиникага мурожаат қилганида, суғурта доирасига кирувчи хизматлар учун алоҳида тўлов тўламайди — бу харажатни жамғарма қоплаб беради. Шу тариқа, бемор сифатли хизматни эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Бу тизим хусусий тиббиёт учун ҳам янги қулайликлар яратади, яъни, беморлар оқими, давлатнинг кафолатланган молиялаштириш, рақобатда иштирок этиш орқали хизмат сифатини ошириш имконияти юзага келади. Бундай ёндашув давлат-хусусий шериклининг амалдаги намуналаридан бири бўлиб, аҳолининг тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини кенг ва самарали қондиришга хизмат қилади.

-Биламизки, асосан ривожланган давлатларда тиббий хизмат фақат суғурта асосида кўрсатилади ва фуқаролар тиббий суғурта учун яхшигина суммада тўловни амалга ошириб боради. Табиийки, тиббий хизмат ҳам шунга яраша сифат даражасида бўлади. Бизда амалиётга киритилаётган давлат тиббий суғуртасининг бундан фарқи, устунликларини ва заруратини нималарда кўришимиз мумкин?

-Тўғри, қўллаб ривожланган давлатларда аҳоли учун тиббий хизматлар фақат тиббий суғурта асосида амалга оширилади ва бунда фуқаролар ойлик даромадидан муайян миқдорда суғурта тўловига ажратишга мажбурдирлар. Масалан, Германияда иш ҳақидан суғурта тўлови автоматик равишда ушлаб қолинади, Жанубий Кореяда эса иш берувчи ва ишчи ушбу тўловни бўлиб қоплайди. Бу маблағлар орқали аҳолига кенг қамровли ва сифатли тиббий хизматлар кўрсатилади.

Ўзбекистонда жорий қилинаётган суғурта – бу давлат тиббий суғуртаси тизимидир. Бу ерда "давлат" деган сўз турибди, яъни, фуқаролар саломатлигини асраш ва тиклаш билан боғлиқ барча харажатларни давлат ўз зиммасига олади. Соғлиқни сақлашда ижтимоий адолат тамойили устуворлиги таъминланади. Шунинг ўзиёқ давлат тиббий суғуртаси тизимининг устунлигини кўрсатади. Мисол учун, мазкур тизим орқали юртимизда ҳар бир фуқаро — ишлайдигани ҳам, ишламайдигани ҳам, пенсионер ёки ногирон — барча бирдек белгиланган хизматлар доирасида бепул тиббий хизмат олиш ҳуқуқига эга. Бу жамиятда саломатликка нисбатан тенгликни таъминлайди. Аҳолининг барқарор ва ўз вақтида тиббий ёрдам олиши, касалликларни эрта босқичда аниқлаш, меҳнат қобилиятини сақлаб қолиш ва умумий ҳаёт сифатини яхшилашга замин яратади. Ўз навбатида, юртимизнинг иқтисодий барқарорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

-Мазмунли суҳбат учун раҳмат!

МАЪЛУМОТ УЧУН

Реимбурсация механизми асосида Ўзбекистонда 2021–2025 йиллар мобайнида:

- 82 минг 726 нафар беморга 211 минг 782 та электрон рецепт орқали хизмат кўрсатилди.
- 816 та дорихона реимбурсация тизимига жалб этилди.
- Жами 4,79 трлн. сўмлик дори воситалари давлат томонидан қоплаб берилди.

Жумладан, 2024 йилда Тошкент шаҳрида 19 минг 127 нафар бемор 1,4 млрд. сўмлик дори-дармон билан таъминланган бўлса, Сирдарё вилоятида 22 мингдан зиёд беморга 4,9 млрд. сўмлик дори-дармон тақдим этилди.

2021 йилдан эътиборан аҳолининг имтиёзли тоифалари — болалар, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун давлат маблағи ҳисобига қимматбаҳо ва юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатиш тизими йўлга қўйилди. Ушбу хизматлар электрон йўлланмалар орқали "mis2.ssv.uz" тизимида амалга оширилмоқда.

2021–2025 йилларда:

- 286 минг 823 нафар бемор давлат тиббий суғуртаси асосида даволанди.
- 2025 йилнинг биринчи тўрт ойида:
- 27 минг 104 нафар бемор бепул тиббий хизматдан фойдаланди. Улар учун 223,1 млрд. сўмлик тўлов амалга оширилди.

Бу тиббий хизматларга юрак ва мия қон-томир операциялари, буйрак ва жигар трансплантацияси, сунъий бўғимлар ўрнатиш, эндопротезлаш каби мураккаб жарроҳлик ишлари киради.

**Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**



-ЖССТ маълумотида кўра, бугунги кунда дунё аҳолисининг деярли ярми энг керакли тиббий хизмат билан қамраб олинмаган. Кўплаб давлатларда аҳолининг салмоқли қисми даромадининг камида 10 фоизини соғлиқни сақлаш учун сарф қилади. Айниқса, глобал пандемиядан кейин вазият янада жиддийлашди, тўғрими? Бундай ҳолатда мутахассислар оптимал ечим сифатида тиббий суғурта тизимини ривожлантириш кераклигига урғу берадилар. Сизнингча, бу қанчалик асосли? Умуман олганда, мамлакатимизда жорий қилинаётган давлат тиббий суғуртасининг моҳияти ва аҳамиятини нималарда кўрамиз?

-Саломатлик ҳар бир инсон учун ҳаёт-мамонт масаласи. Соғлиқ бўлса, турмушимизда ҳаловат бўлади. Жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги, оилалардаги фаровонлик кўрсаткичлари ҳам шу билан боғлиқ. Лекин иссиқ жонмиз, ҳеч ким туйқус беморликдан ҳимояланмаган. Касалликдан даволаниш учун эса қайсибир миқдорда маблағ ва тиббий имконият талаб қилинади. Тиббий хизматларнинг пулли кўрсатилиши ва нархлари ошиб бориши аҳолининг камхарж қатламлари учун маълум қийинчиликлар туғдириши табиий. Тиббий суғурта барчани малакали тиббий хизмат билан тўлиқ қамраб олиш деганидир.

Мамлакатимизда жорий қилинаётган давлат тиббий суғуртаси моҳияти ва аҳамияти ҳақида тўхталганда, масалага худди шу нуқтаи назардан қараш керак, албатта.

Давлат тиббий суғуртаси – бу аҳолини кафолатланган бепул тиббий хизматлар билан таъминлашга қаратилган давлат дастури. Ушбу тизим асосида фуқароларга “Кафолатланган пакет” доирасида шошилинч ёрдам, терапевт ва мутахассислар қабуллари, текширувлар, жарроҳлик амалиётлари, дори-дармон билан таъминлаш ва реабилитация хизматларидан фойдаланиш имкониятлари яратилади.

Бу хизматлардан фойдаланиш учун фуқаролар доимий рўйхатда турган оилавий шифокор (поликлиника) орқали тиббий хизматга мурожаат қиладилар. Мухими, суғурта автоматик жорий этилади, фуқаролардан ҳеч қандай ариза талаб қилинмайди. Аммо оилавий шифокор билан доимий алоқада бўлиш лозим. Мураккаб ҳолатларда тор мутахассисларга электрон йўлланма берилади. Электрон навбат тизими орқали беморлар кутмасдан қабул қилинади. Яъни, тартиби шундай: фуқаро соғлиғи юзасидан мурожаат қилишдаги оилавий шифокорга мурожаат қилади. Шифокор текширувлардан сўнг, даволаниш ёки жарроҳлик амалиётлари зарур бўлса, ихтисослаштирилган тиббий муассасага йўлланма беради. Йўлланма асосида фуқаро давлат тиббий суғуртаси доирасидаги бепул хизматлардан фойдаланади. Содда қилиб айтганда, тўғридан-тўғри ихтисослаштирилган тиббий марказларга

бориб, "Мен бепул даволанаман", деб даъво қилиш мумкин эмас. Бу — йўлланма орқали амалга ошириладиган тизим.

- Кафолатланган пакет нима дегани? Шу ҳақида ўқувчиларимизга икки огиз маълумот бериб ўтсангиз.

-Бу — давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар рўйхати. Унга шошилинч тиббий ёрдам, биринчи босқич шифокорлик хизматлари, баъзи тахлил ва диагностика ишлари, стационар даволаниш каби хизматлар киради. Яна қайтариб айтман, фуқаролар ушбу хизматлардан бепул фойдаланишлари мумкин. Бунда кафолатланган пакетга республикада энг кўп учрайдиган касалликлар бўйича дори воситалари ҳамда лаборатор ва диагностика текширувлари киритилади. Ушбу пакет барча фуқаролар учун бир хил даражада амал қилади, аммо ижтимоий тоифадаги шахслар (болалар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган фуқаролар ва ҳоказо) кенгайтирилган хизматлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

Айниқса, энг кўп тарқалган ва узок муддатли муолажани талаб қилувчи сурункали касалликлар – гипертония, юрак ишемик касаллиги, 2-тур қандли диабет, бронхит астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги бўйича беморларга зарур дори воситалари давлат томонидан тўлиқ қоплаб берилади. Бу механизм “Реимбурсация” деб номланади.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаб ўтиш жоиз. Давлат тиббий суғуртаси тизимини йўлга қўйиш асносида тиббий муассасалар фаолияти электронлаштирилмоқда. Бу эса ҳар бир бемор ҳақидаги маълумотни рўйхатга олиш, ноқонуний тўловларга йўл қўймаслик ва шифокорлар масъулиятини ошириш имконини яратяпти. Қоғозбозлик камайиб, маълумотларни автоматик тарзда киритиш ва қайта ишлаш шароитида тиббиёт ходимлари беморларга кўпроқ эътибор қаратиши табиий ҳол. Шунингдек, рецепт ва таъхисларни электронлаштириш орқали нотўғри дори ёки диагностика ёзилиши эҳтимоли камайиб, тиббиёт ходимларининг профессионал масъулияти ошмоқда.

-Улуғбек Меҳмонович, маълумки, Президентимизнинг 2024 йил 4 сентябрдаги қарори билан Ўзбекистонда тиббий суғуртани жорий этишни якунлаш мuddати 2026 йил охиригача қилиб белгиланган. Айни пайтда бу бўйича қандай ишлар амалга оширилди ва жараён ҳозирда қайси босқичда турибди?

-Дарҳақиқат, юртимизда давлат тиббий суғуртаси тизимига тўлиқ ўтишни 2026 йил охирида якунлаш белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид қоратдбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, бу тизим босқичма-босқич амалиётга киритилмоқда.

Айни вақтда Сирдарё вилояти, Тошкент

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИДА
ЯНГИ БОСҚИЧ

Инсон учун бу дунёда яшаш ҳуқуқи қанчалар табиий ҳуқуқ бўлса, меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳам ҳаётий аҳамияти жиҳатидан худди шундай асосий ҳуқуқларидан ҳисобланади. Меҳнат муҳофазасини таъминлаш орқали эса уларнинг муносиб меҳнат шaroитларида ишлашига эришилади. Айниқса, иқтисодий ўсиш ва технологик тараққиёт тез суръатларда ривожланиб бораётган бир пайтда бу масала нафақат жисмоний, балки руҳий жиҳатдан ҳам жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Меҳнат муҳофазаси деганда — ишчиларнинг саломатлиги, хавфсизлиги, иш ҳақи, иш вақти ва ижтимоий ҳуқуқлари нуктаи назаридан ҳимояланишини таъминлайдиган сиёсат ва амалиётлар тушунилади. Бу ҳимоя нафақат алоҳида шахслар, балки жамиятнинг умумий фаровонлиги учун ҳам зарурдир.

Агар бу тизим ишламаса, кам иш ҳақи, ортиқча иш соатлари, кафолатсиз меҳнат ва иш жойидаги бахтсиз ҳодисалар каби жиддий муаммолар юзага келади. Бундай шароитда нафақат ишчиларнинг ҳаёт сифати, балки умумий иқтисодий унумдорлик ҳам пасаяди. Меҳнат кучига сармоя киритмайдиган тизим узоқ муддатда барқарор ишлаб чиқаришдан ҳам маҳрум бўлади.

Бошқа томондан, яхши ишлаб чиқилган меҳнатни муҳофаза қилиш сиёсати ишчиларнинг мотивациясини оширади, иш берувчи билан ишчи ўртасида ишонч муҳитини яратади. Касаба уюшмалари, меҳнат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунлар ва ижтимоий суғурта тизимлари бу борада муҳим воситалардир. Демак, меҳнатни ҳимоя қилиш фақат инсоний бурч эмас, балки иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг асосидир. Давлат идоралари ҳам, хусусий сектор ҳам бу борада масъулиятни ўз зиммасига олиши, ишчи ҳуқуқларини ҳурмат қилувчи, адолатли ва барқарор сиёсатни жорий этиши лозим.

Шундан келиб чиқиб, куни кеча Вази́рлар Маҳкамасининг “Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор мамлакатимизда меҳнат муҳофазаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжат саналади. Бу орқали, аввало, турли жароҳатларнинг олди олинади, сони камаёди. Чунки шу кунгача бахтсиз

ҳодисанинг сабаби ва оқибатлари ўрганилган бўлса, эндиликда хавф олдиндан аниқланиб, иш берувчиларга уларни бартараф этиш мажбурияти юклатилади.

**ЖАРОҲАТЛАР КАМАЯДИ,
ХАТАРЛАРНИНГ ОЛДИ
ОЛИНАДИ**

**Анвар НУРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:**

— Бугун давлат сиёсатида мамлакатни тараққий эттиришда халқни рози қилишдек эзгу мақсад мужассам. Масъулларга одамларнинг эртага ёки яқин келажақда эмас, бугун бахтли яшаши учун шароит яратиш талаби қатъий қўйганлиги замирида ҳам шу ният бор. Муаммони қисқа даврда ҳал қилиш ва натижага эришишнинг асосий шарти камчиликларга тик қарай олишдир.

Биргина мисол, мамлакатимизда 2020 йил аҳолининг муайян қисми камбағал экани тан олинди. Уларга кўмаклашиш чоралари кўрила бошлади. Тегишли тизим жорий қилингани самара берди. Натижада узоқ йиллар оғир вазиятда бўлган уч миллион нафардан зиёд одамнинг шароити яшиланди.

Куни кеча камбағаллиқни

қисқартириш ва бандлик вазирининг Ўзбекистон Республикаси Президентига қилган тақдиротиға кўра, биринчи ярим йилликда 3 миллиондан зиёд аҳоли даромадли меҳнатга жалб қилинган. 2024 йил якунида камбағаллик даражаси 8,9 фоизгача камайганди. Мақсадлар катта. Натижа ўз-ўзидан бўлавермайди. Бунинг учун кўрилган ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий чоралар такомиллаштирилиб борилиши керак.

Бироқ иш ўрни яратишга урғу берилиб, аҳолига турли даражада зарар берган масалаларни ҳам кўздан қочирмаслик лозим. Жумладан, юртимизда иқтисодийнинг турли тармоқларида ислохотлар жадал суръатларда амалга ошириляпти. Янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши, замонавий технологияларнинг жорий этилиши меҳнат шaroитларига янги талабларни қўймоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида хавфсизлиқни таъминлаш, ходимларнинг соғлигини сақлаш масалалари доимо долзарб бўлиб келган. Афсуски, ўтган йиллар давомида меҳнат муҳофазасига етарлича эътибор қаратмаслик, эскирган усуллар ва стандартлардан фойдаланиш оқибатида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, касб касалликларининг юзага келиши ҳолатлари сақланиб қолганди.

Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий зарар келтириб, мамлакатнинг ижтимоий ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Шуларни инобатга олган ҳолда, меҳнат муҳофазаси соҳасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, халқаро стандартларга мос келувчи замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш зарурати юзага келди. Ҳукуматнинг тегишли қарори билан эса мазкур масалаларнинг ҳуқуқий асоси кафолатланди.

Қарор билан биринчи навбатда, ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устуворлигини таъминлаш бўйича аниқ чоралар назарда тутилган. Хусусан, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга ошириш, ходимларни ҳимоя қилувчи хавфсиз техника, технология ҳамда воситаларнинг ишлаб

чиқилиши ва жорий этилишини рағбатлантириш қайд этилган.

Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини халқаро стандартлар талаблари асосида жорий этишни назарда тутди. Бу эса ўзбек корхоналарининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Яна бир муҳим жиҳати, қарор корхона раҳбарларининг меҳнат муҳофазаси бўйича масъулиятини оширади. Эндиликда раҳбарлар нафақат қонун талабларига риоя қилиш, балки ММБТнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун ҳам жавобгар бўладилар. Қарор ММБТни жорий этиш ва амалга оширишда ходимларнинг фаол иштирокини таъминлайди. Бу эса, меҳнат муҳофазаси бўйича чоратadbирларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Қолаверса, қарор меҳнат муҳофазаси бўйича давлат назорати органларининг ваколатларини кенгайтиради. Бундан буён назорат органлари корхоналарда ММБТнинг жорий этилиши ва фаолиятини назорат қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўладилар.

**БУ ҚАНДАЙ АМАЛГА
ОШИРИЛАДИ?**

**Шуқурулло МАВЛОНОВ,
Камбағаллиқни
қисқарттириш ва бандлик
вазирлигининг меҳнатни
муҳофаза қилиш бўйича бош
давлат техник инспектори:**

— Аввало, айтишни истардимки, Ўзбекистоннинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилиги Халқаро Меҳнат Ташкилотининг

155-сонли конвенцияси талаблари билан уйғунлаштирилди. Бу нима дегани? Энди ҳар бир ташкилот иш жойида мавжуд хавфларни аниқлаши, уларни баҳолаши ва камайтириш чораларини белгилаши шарт бўлади. Яъни, илгари бахтсиз ҳодиса содир бўлгач, сабаблари ўрганилган бўлса, бундан буён хавфлар олдиндан аниқланиб, улар бартараф этилиши шарт.

Бунинг учун ташкилот раҳбарлари меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини жорий этиш бўйича бўйруқ чиқаради, масъул шахсни тайинлайди. Ташкилотнинг Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими тўғрисидаги низомини қабул қилади. Ҳар бир иш жойида мавжуд механик, кимёвий, физик, эргономик хавфлар аниқланади. Сўнг хавфлар “хавф матрицаси” орқали баҳоланади ва меҳнат хавфсизлиги бўйича ички аудитлар йўлга қўйилади. Бу орқали хавфларнинг устуворлиги белгиланади ва уларга ечим топиш чоралари режалаштирилади. Энг муҳими, ноқулай меҳнат шaroитлари аниқланса, зудлик билан бартараф этиш механизми йўлга қўйилади.

Хўш нима ўзгаради? Энг муҳими, иш жойларида бахтсиз ҳодисалар, жароҳатлар ва касбий касалликлар камаёди. Шунингдек, ҳар бир ходим ўзини ҳимояланган ҳис қилади. Чунки иш берувчи ходимларни меҳнат хавфсизлиги бўйича ўқитиб, иш жойларидаги хавф-хатар ҳақида олдиндан хабардор қилиб боришга мажбур бўлади. Қолаверса, ходимлар шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланади ва ҳар қандай вазиятда хатарга қарши тайёрликка эга бўлади. Бу эса меҳнат унумдорлигини оширади, хавфсиз иш муҳитини яратади.

Шуни ҳам айтиш керакки, энди бахтсиз ҳодиса содир бўлганида иш берувчи “мен билмай қолибман” дейиши мумкин эмас. Сабаби, у хавфларни олдиндан аниқлашга, баҳолашга ва зарарсизлантиришга мажбур. Бу эса иш берувчининг масъулиятини ва ходимлар хавфсизлиги учун шахсий жавобгарлигини оширади.

Шу билан бирга, давлат назоратига мўқобил ички назорат тизими шаклланади. Янги тартиб — бу қоғоздаги ислохот эмас, балки реал ҳимоя! У ходимлар саломатлигини кафолатлайди. Бу қарор ташкилотларда меҳнат хавфсизлиги маданиятига ўтишининг бошланишига асос бўлади. Натижада Ўзбекистоннинг халқаро майдонда меҳнат хавфсизлиги муҳитини ярата олган ишончли мамлакат сифатидаги нуфузини оширади.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

**МЕНДА САВОЛ БОР**

**Фароғат МАМАДАЛИЕВА,
Жалақудуқ туманидаги “Оксфорд” оилавий нодавлат МТТ раҳбари:**
— Оилавий МТТ раҳбариман. Муассасамизга қийин аҳволдаги оилалар, ёлғиз оналар тез-тез мурожаат қилиб, тўловдан чегирма сўрайди. Лекин ҳаммага ҳам бундай имконият бера олмаймиз. Қонунчиликда бу масалага оид қандай меъёрлар белгиланган?

**ОИЛАВИЙ НОДАВЛАТ МТТГА АЙРИМ
ТОИФАДАГИ ОИЛАЛАР ФАРЗАНДЛАРИ
УЧУН ТЎЛОВНИНГ 40 ФОИЗИ ҚОПЛАБ
БЕРИЛАДИ**

**Илёсбек АБДУРАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Сенати девони
Юридик бошқармаси референти, Сенат
хузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси:**

— Қонунчиликка кўра, айрим тоифадаги оилалар фарзандларини қабул қилган оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига ушбу болалар таъминоти учун ота-оналар тўловининг бир қисmini Давлат бюджетидан қоплаб бериш (компенсация ажратиш) тартиби жорий қилинади. Бунда компенсация бола таъминоти учун ота-оналар тўловининг 40

фоизи миқдорида ажратилади.

Бироқ компенсация ҳажми Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ўртасида тузилган битимда белгиланган ўринларнинг 15 фоизидан кўп бўлмаслиги лозим.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчиликда белгиланган айрим тоифадаги болалар оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотига борганда давлат томонидан компенсацияланади. Ва ушбу тартиб жорий йилнинг 1 августидан кучга киради.



Ғ.И.:

— Мен яқинда жазони ижро этиш муассасасидан қайтдим. Иш қидиряпман. Унгача моддий таъминотга эҳтиёжим бор. Ёрдам олиш имконим борми? Бўлса, қандай амалга ошириш мумкин? Илтимос, шу масалада маслаҳат берсангиз.

**СОБИҚ
МАҲКУМЛАРГА
НАФАҚА БЕРИЛАДИ**

**Жамол ОЧИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Жорий йилнинг 17 июлида қабул қилинган “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга бир марталиқ нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомда собиқ маҳкумларга бир марталиқ нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби белгиланган.

Унга кўра, мурожаатларни қўриб чиқиш ва нафақаларни тайинлаш “Е-probatsiya” ахборот тизими орқали юборилган аризага мувофиқ амалга оширилади. Бунда ғуқоронинг шахсан ўзи жазони ижро этиш муассасасидан



озод қилинган кундан бошлаб 1 ой муддат ичида туман (шаҳар) пробация бўлиmlари (ваколатли орган)га ариза топшириш орқали ушбу ҳуқуқидан фойдалиш имконига эга.

Ваколатли орган 1 иш кунида ариза берувчига нафақа тайинлангани ва нафақани олиш учун мурожаат қилиниши лозим бўлган тижорат банки тўғрисида маълумот тақдим этади. Шундан сўнг нафақа олувчи шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки жазони ўтаб бўлганлик ёхуд жазодан озод қилинганлик ҳақидаги маълумотнома асосида 1 ой муддатда тижорат банкининг исталган филиалига бориб, ўзига тайинланган маблағни олиши мумкин.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

СУВ ТЕКИН ЭМАСЛИГИНИ ҚАЧОН АНГЛАБ ЕТАМИЗ?



Робия КАЗИМОВА, халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати.

Тасаввур қилинг, жўмракин очдингиз, сув йўқ! Кундалик маиший эҳтиёжлар у ёқда турсин, чанқоғингизни қондириш учун ҳам тоза ичимлик суви топилмай қолса, қай қўйга тушасиз? Чиндан хавотирли-а?

Сув – бу обиҳаёт. У бор экан, тирикмиз, жами наботот-у ҳайвонот олами “нафас” олиб турибди. Аммо дунёда бошқа муқобили йўқ ва ғоятда чекланган бу ресурснинг тақчиллиги глобал экологик муаммолар фонида тобора ортмоқда. Айниқса, минтақамизда бу жараён кучайиб бормоқда. Жаҳон банки таҳлилларига кўра, 2050 йилга довуր Ўзбекистонда жорий сув танқислиги беш баробарга ошади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, сўнгги 15 йилда аҳоли жон бошига йиллик сув ҳажми 3 минг 48 метр кубдан 1 минг 589 метр кубгача камайган. Шунингдек, чорак аср ичида Сирдарё ҳавзасида сув ресурслари 5 фоизгача, Амударёда 15 фоизгача камайиши прогноз қилиняпти. Уша даврга бориб Марказий Осиёда чўчүк сув тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 11

фоизга пасайишига олиб келиши мумкин.

Бу прогнозлар вазият қанчалик қалтис эканини кўрсатяпти. Бинобарин, ичимлик суви қиммат ижтимоий харажатлар тоифасига киради. Қолаверса, юртимизнинг кўплаб ҳудудларида ер ости сувлари ҳам тортилган, ариқлар тўлиб оққан кунлар ўтмишда қолгани ҳам аччиқ ҳақиқат.

Шундай экан, сувнинг ҳар бир томчисини зое кеткизмай, тежаш, бунинг учун эса давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “сув текин эмас” деган ғояни аҳолига чўқур синдириш ва уни кундалик турмуш қоидаcига айлантириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутатлари “Бухоро сув таъминоти” акциядорлик жамияти шаҳар филиали фаолиятини ўрганишлари давомида бунга яна бир қарра амин бўлдилар.

Ўрни келганда эътироф этиш керак, Бухоро шаҳри аҳолиси юз фоиз ичимлик суви билан таъминланган. Марказлашган диспетчерлик хизмати, 8 та таъмирлаш бригадаси, 7 та сув узатиш иншооти — тизимнинг тинимсиз ишлашини кафолатламоқда. Жорий йилга қадар ҳудуддаги 111 минг 259 хонадон сув ҳисоблагич билан жиҳозланган, бу ҳисоб-китобнинг аниқлиги ва тўлов интизомини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Афсуски, соҳада учраётган салбий ҳолатлар депутатлар диққатини ўзига қаратди. Жумладан, Бухоро шаҳрида сув қувурларининг қарийб 40 фоизи эскирган ва таъмирталаб ҳолатда. Бу дегани, ҳар куни юзлаб литр

сув беҳуда оқиб, исроф бўляпти, хонадонларга сув босими пасайган ҳолда етиб боряпти ёки бутунлай узилиб қоляпти. Қувурлардаги носозликлар туфайли авариялар кўпайган, кўчаларда сув оқиб ётади .Энг ёмони, қувурлар шикастланса, ифлос сув тоза сувга қўшилиши мумкин. Бу эса ичак касалликлари, саратонгача етиб боровчи кимёвий моддалар билан заҳарланиш хавфини оширади.

Тоза ичимлик суви таъминотида назорат ва ҳисоб-китоб қилиш соҳасида қатор ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда, айрим масъул шахслар ўз ишига виждон билан эмас, манфаат кўзи билан ёндашаётгани янада таассуфли. Ҳатто айрим ходимлар мансаб вазифасидан фойдаланиб, халқ пулига кўз тикиш, қарздорликни сохта йўллар билан “ёпиш” ва давлат маблағини ўзлаштиришга урингани маълум бўлди.

Ана шу каби ҳолатлар “Бухоро сув таъминоти” АЖнинг ички назоратида катта бўшлиқ борлигини очиқ-ойдин кўрсатмоқда. Яна бир муаммо шундаки, соҳада мурожаатлар етарлича ҳал этилмаяпти.

Ўрганишларда аниқландики, 2025 йилнинг биринчи ярмида корхонага жами 178 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 124 таси ҳал қилинган (яъни, 73,37%). 11 та мурожаат ечими эса тушунтириш бериш билан чекланган. Қолганлари бўйича такрорий шикоятлар келиб туша бошлаган.

Аҳоли "сув йўқ", "қувурдан ифлос сув келяпти", "ишчилар келмади", деб ёзган, мутасаддилар уларга жавобан "масала кўриб

чиқилади" ёки "ҳозирча имконият йўқ" дея жавоб юборишган.

Бу - мурожаатлар ҳал бўлди, дегани эмас. Аксинча, "ёрдам бермадик" деганидир. Ахир ҳар бир шикоят тўлиқ ўрганилиши, ижроси юзасидан аниқ хужжатлаштирилган ҳисобот берилиши, мурожаатчи шахсан хабардор қилиниши шарт. Ҳар бир мурожаат ортида бир оила, бир инсоннинг ҳаёти, турмуши, болаларининг соғлиғи ётади. Мурожаатларнинг тўлиқ ва ҳалол кўриб чиқилиши — давлатга ишонч ва одамларнинг розилигини таъминлайди. Агар мурожаатлар ҳал қилинмаса, фуқаролар ҳеч кимга ишонмай кўяди, бу эса жамиятда ижтимоий беқарорликни келтириб чиқариши мумкин.

Бухоро шаҳрида 2 минг 497 та хонадонда сув ҳисоблагич йўқлиги ҳам жиддий муаммо. Бугунги кунда сувни ҳисоблаб тўлаш – замон талаби. Сув ҳисоблагич ўрнатилмаган хонадонларда қанча сув сарфланганини аниқ айтиб бўлмайди. Кимдир сув исрофидан кўрқиб, тежаб ишлатади, кимдир, кечирасиз-у, тарвуз-қовуни муздай бўлиб туриши учун соатлаб устидан сув оқизиб кўяди. Лекин ҳаммага тахминий бир хил ҳисоб-китоб қилинади. Бу эса одамлар орасида норозилик келтириб чиқаряпти. Айрим фуқаролар “Мен кам ишлатдим, нима учун кўп тўлаяпман?” дея эътироз билдираяпти. Айниқса, қариялар ва кам таъминланганлар томонидан шу мазмундаги мурожаатлар кўпаймоқда.

Биз, депутатларни ўйлантирган яна бир масала сув тўловларининг кечикиши ва қарздорликнинг

ортиши натижасида корхонада юзага келган йирик микдордаги қарздорликдир. Мутахассислар берган маълумотномага кўра, жорий йил 1 июль ҳолатига шаҳар аҳолисининг ичимлик сувидан умумий қарзи 23 миллиард сўми ташкил этмоқда, шундан 2 миллиард сўми шароити оғир оилалар яшайдиган ётоқхоналарники, яна шунчаси С. Айний номидаги МФЙда яшовчи аҳолининг бир қисмига тегишли. Хабарингиз бор, ичимлик суви тарифлари ҳудуднинг географик жойлашуви, сув манбасидан аҳоли пунктигача бўлган масофа, электр энергияси харажатлари ва бошқа таннархга таъсир этувчи омиллардан келиб чиқиб белгиланади. Иш ҳақи, электр энергия, солиқ тўловлари, хорижий кредитлар тўлови, жорий ва капитал таъмирлаш, тизимни модернизация қилиш ишларида ҳам сарф-харажатлар талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари учун янги тарифлар тасдиқланмоқда. Жорий йил 1 июлдан Бухоро вилоятида ичимлик суви нархи ҳам оширилди. Эндиликда бу қарздорлик сўммаси янада катталашини аниқ. “Мавжуд қарздорликни бартараф этиш учун нима қилиш керак?” деган савол ишчи гуруҳини ўйлантириб қўйди. Ахир 23 миллиард сўм ҳазилакам маблағ эмас. Бунинг вақтида ечими топилмаса унинг юки яна халқ зиммасига тушади.

Демакки, ҳар бир хонадонга замонавий "ақлли" ҳисоблагичларни ўрнатиш мажбурий ва устувор вазифага айланиши керак. Натижада сув тўловлари “Қанча сув ишлатган бўлсанг, шунча тўлайсан” тамойили асосида ҳисобланади. Ичимлик, шунингдек, оқова сувлар учун тўловни вақтида амалга ошириш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини аҳолига кенг тушунтириш орқали бу борада ижобий силжиш яшаш мумкин.

Унутмайлик, бугун биз ичаётган тоза сувда келажак авлодларнинг ҳам ҳаққи бор.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

МУРОЖААТЛАР ЕЧИМИНИ ТОПДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши депутати Н. Баратова ҳамда Жомбой туман кенгаши депутати Р. Очилова Жомбойдаги Шерқўрғон маҳалласида сайловчилар билан учрашув ўтказди.

Учрашувда Ногоҳон, Қўлбости ҳамда Шерқўрғон маҳаллалари аҳолиси ҳудуддаги мавжуд муаммоларни тилга олиб, уларнинг амалий ечими юзасидан халқ вакилларидан ёрдам сўрадилар. Масалан, маҳаллаларнинг қишда лой, ёзда чанг бўладиган ички йўлларига асфальт ётқизиш, автомобиль йўллари четида мактаб ўқувчилари учун пиедалар йўлаги барпо этиш зарурати айтиб ўтилди. Мазкур мурожаат атрофлича ўрганилиб, тегишли ташкилотга депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.

Шунингдек, шерқўрғонликлар бирламчи тиббий хизматдан фойдалана олмаётганини билдириб, тугатилган қишлоқ шифокорлик пункти ўрнида унинг замонавий муқобилини қайта ташкил этиш бўйича мурожаат қилдилар. Депутатлар ушбу масала юзасидан масъул ташкилот билан боғланди. Масъуллар тиббий муассаса жорий йил якунига қадар қайта иш бошлашини маълум қилишди.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши депутати М. Илхомов бошчилигида Учтепа туман Кенгаши депутатлари ҳудуддаги маҳаллаларда бўлиб, сайловчилар билан очиқ мулоқот ўтказди.

Табиийки, мулоқот давомида аҳоли вакиллари ўзларини ўйлантираётган қатор масалаларда депутатларга юзланди. Таклифлар, ўринли танқидлар, жиддий мулоҳазалар тингланди.



Сайловчилар келтирган муаммоларнинг 3 таси жойида ҳал қилинди. Жумладан, депутатлар аралашуви билан Сақкокий кўчасида жойлашган 14-мактаб олдида ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида янги светофор ўрнатилди. Ҳал этилиши вақт талаб қиладиган масалалар устидан депутатлик назорати ўрнатилди.

МУАММОНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

ЎЗХДП Бекобод тумани кенгаши депутати И. Қодирова “Ўрикзор” МФЙ фуқаролари мурожаатига асосан ҳудуднинг мавжуд муаммоларни ўрганиб, сайловчилар эътирозлари бесабаб эмаслигини аниқлади.

Маълум бўлишича, “Ўрикзор”да ички йўллар ярқосиз ҳолатга келиб қолган. Бунинг асосий сабаби МФЙда жойлашган «Сант Вис Гравел» корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотларни ташийдиган юк машиналарининг мунтазам қатнаши билан боғлиқ.

Шунингдек, ҳудуддаги оилавий шифокорлик пунктида даволашни учун кундузи стационар йўқлиги ҳам аҳоли учун бирмунча қийинчилик туғдирмоқда.

Халқ вакили аниқланган муаммоларни бартараф этиш учун мутасадида ташкилотларга депутатлик сўрови чиқаришга қарор қилди.

ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИК

ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИ

энди маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда ҳам қўлланилади

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам инсон, шу жумладан, жабрланувчи ҳуқуқлари кафолатлари сезиларли даражада кучайтирилди.

Шу билан бирга, жиноят процессида жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалдаги самарали институти маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда ҳам жорий этиш зарурияти юзага келмоқда.

2025 йилнинг 11 июлидан кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунига биноан эндиликда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётида хусусий айблов институтининг қўлланилиши инсонлар шахсий ҳаётига асоссиз аралашувларнинг олдини олишга хизмат қилады.

Қонунга кўра, айрим тоифадаги ишлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фақат жабрланувчининг аризасига асосан амалга оширилиши белгиланди. Содда қилиб айтганда, кимдир сизга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этса, бунинг учун уни қонуний жавобгарликка тортиш жараёни фақат сизнинг аризангиз билан бошланади. Яъни,

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси (туҳмат), 41-моддаси (ҳақорат қилиш), 44-моддаси (хужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш), 45-моддаси (фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш), 46-моддаси (фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш), 46¹-моддаси (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш), 52-моддаси (енгил тан жароҳати етказиш), 61²-моддаси (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 193²-моддаси (давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши), 202²-моддаси (ёлғон ахборот тарқатиш) да назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга хусусий айблов институти қўлланилади.

Агарда жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги, вояга етмаганлиги, ҳуқуқбузарга қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда ваколатли органнинг мансабдор шахси жабрланувчининг аризасисиз ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни бошлаши қонунда белгиланган бўлади.

Иқром РАЖАБОВ, жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп туман судининг тергов судьяси.

УНИВЕРСИАДА- 2025



Тараддуд бирла мактаб
ўқинг, ўғлонлар, ўғлонлар,
Бўлурсиз бир куни оламда
зўр инсонлар, ўғлонлар.

Илм дунёнинг иззати,
охиратнинг шарофатидур.
Илм инсон учун ғоят олий ва
муқаддас бир фазилатдур.

Инсонларни(нг) яхшиликға
чақиргувчи, ёмонликдан
қайтаргувчи бир илмдур. Яхши
хулқларнинг яхшилигини,
ёмон хулқларнинг ёмонлигини
далил ва мисоллар ила баён
қиладургон китобни ахлоқ
дейилур.

Тарбия-педагогика, яъни
бола тарбиясининг фани
демақдир. Боланинг саломат
ва саодати учун яхши
тарбия, танин пок тутмоқ, ёш
вақтида маслакни тузатмоқ,
яхши хулқларни ўргатмоқ
табиблардек кабидурки, табиб
хастанинг баданидаги касалига
даво қилғони каби тарбиячи
боланинг вужудидаги жahl
марказига "яхши хулқ" деган
давони ичидан, "поклик" деган
давони устидан бериб катта
қилмоғи лозимдир.

... Сўз инсоннинг даража
ва камолини, илм ва фазлини
ўлчаб кўрсатадургон
тарозисидир. Ақл соҳиблари
кишининг дилидаги фикр ва
ниятини, илм ва қувватини,
қадр ва қимматини сўзлаган
сўзидан билурлар...

Энг ёмон кишилар илмга
амал қилмайдиган кишилардир.
Агар тарбия қилувчи муаллим
олим бўлиб амалсиз бўлса,
бу шогирдлар ахлоқига ёмон
таъсир кўрсатади.

Дарс ила тарбия орасида бир
оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси
бир-биридан айрилмайдиган,
бирининг вужуди бирига
бойланган жон ила тан кабидир.

Инсон ики нарсадан
мураккабдур. Бири жасад,
иккинчиси нафсдур. Жасад кўз
ила бор нарсаларни кўрар.
Аммо нафс идрок ила яхшини
ёмондан, оқни қорадан айирур.

Ахлоқимиз биносининг
ғўзал ва чиройли бўлишига
тарбиянинг зўр таъсири бордур.
Баъзилар "тарбиянинг ахлоққа
таъсири йўқ, инсонлар асл
яратилишида қандай бўлсалар,
шундай ўсарлар, табиат
ўзгармас", демишлар.

Абдулла АВЛОНИЙ



ТАРИХИЙ НАТИЖА – МАРКАЗИЙ
ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ИЧИДА БИРИНЧИ

Rank	Country	Description	Gold	Silver	Bronze	Total	Rank By Total
1	JPN		34	21	24	79	1
2	CHN	People's Republic of China	30	27	17	74	2
3	USA	United States of America	28	27	29	84	3
4	KOR	Republic of Korea	21	9	27	57	4
5	ITA	Italy	14	10	19	43	5
6	GER	Germany	11	12	17	40	6
7	RSA	South Africa	8	5	8	21	7
8	TUR	Turkey	6	5	7	18	10
9	CHN	Chinese Taipei	5	13	7	25	7
10	POL	Poland	5	11	8	24	8
11	GBR	Great Britain and Northern Ireland	5	3	4	12	16
12	CAN	Canada	4	8	6	18	10
13	UKR	Ukraine	4	4	7	15	13
14	UZB	Uzbekistan	4	3	5	12	15
15	ESP	Spain	3	7	8	18	14

Германияда 27 июлга қадар давом этган XXXII Бутунжаҳон ёзги Универсиада ўйинларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ёш спортчиларимиз Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.

Ушбу нуфузли халқаро беллашувда дунёнинг 119 давлатидан 5 минг нафардан зиёд талабалар 18 та спорт тури бўйича жами 234 та медал учун баҳс олиб борди. Аввал хабар қилинганидек, юртимизнинг 18 та олий таълим муассасасидан 53 нафар спортчи йигит-қизларимиз камондан отиш, спорт гимнастикаси, енгил атлетика, сувга сакраш, дзюдо, бадий гимнастика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, сузиш,

стол тенниси, таэквондо WT ҳамда теннис бўйича куч ва маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Универсиада ўйинларида бадий гимнастикачимиз Тахмина Икромова жами 4 та медални қўлга киритган бўлса, уч ҳатлаб сакраш баҳсида Шарифа Давронова 14,33 метр юқори натижа кўрсатиб, делегациямиз ҳисобига яна битта олтин медални қўшди. Таэквандочиларимиз Мадина Мирабзалова (-57 кг), Шамсиддин Қурбонов (-58 кг), Нажмиддин Қосимхожиев (-74 кг) бронза, Марат Мавлонов (87+) кумуш медалга муносиб топилди.

Таэквондо WT бўйича ўтказилган жамоавий баҳсларда

спортчиларимиз бронза медалга, аралаш жамоавий беллашувларда эса Австралия, Корея Республикаси, Германия ва Миср терма жамоаларини доғда қолдириб, олтин медалга сазовор бўлди.

Баттерфляй усулида сузишда Элдорбек Усмонов ҳамда дзюдочиларимиздан Лазиза Ҳайдарова ва Шукржон Аминова ҳам шохсупадан жой олдилар. Шу тариқа, Ўзбекистон спорт делегацияси 4 та олтин, 4 та кумуш ва 7 та бронза, жами 15 та медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида 13-ўринни эгаллади. Бу Марказий Осиё

давлатлари ичида биринчи, Осиё қитъаси бўйича тўртинчи ўрин деганидир.

Спортчиларимиз 2021 йилда Хитойда ўтган Универсиада ўйинларда 8 та кумуш, 6 та бронза медалини қўлга киритган эдилар. Универсиада-2025 спортчиларимиз учун янада омадли бўлди, дейиш мумкин. Икки йилдан сўнг Жанубий Кореяда ўтадиган XXXIII Бутунжаҳон Универсиада ўйинларида талаба-спортчиларимиз бундан-да юксак натижаларга эришади, деган умиддамиз.

Тоштемир МУРОД.



2026 ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР ЖИНОЯТЧИЛИК 17,6 ФОИЗГА
КАМАЙИШИ КУТИЛМОҚДА



Жамиятда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ўзига хос илмий ёндашувларни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Криминология тадқиқот институти томонидан жиноятчиликнинг асл илдишларини илмий тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани шу маънода эътирофга молик.

Ички ишлар вазирлиги ташкил қилган пресс-турда ОАВ вакиллари, блогерлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик фаоллари ҳамда экспертлар мазкур институт фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Даставвал тадбир иштирокчиларига институтда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида ахборот берилди. Қисқа вақт ичида Туркия, Жанубий Корея, Россия Венгрия, Саудия Арабистони, Қатар ва бошқа қатор давлатлардаги криминология институтлари ҳамда жиноятчиликни тадқиқ этиш марказлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилгани, мазкур давлатларда жиноятчиликка қарши курашишнинг илғор

амалиёти, жумладан, кибержиноятчилик, вояга етмаганлар жиноятчилиги ва реабилитация дастурлари бўйича тажрибалар намойиш этилди. Жиноятчилик бўйича статистик таҳлиллар, сўровномалар, илмий прогнозлар ва криминоген ҳудудларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари ҳам ҳавола қилинди.

Институтнинг илмий-ишлаб чиқариш лабораторияси фаолияти, айниқса, иштирокчилар эътиборини тортди. Қайд этилишича, Президентнинг тегишли фармониға мувофиқ ташкил этилган лаборатория криминологик фаолиятни илмий асосда қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиб, олимлар учун тадқиқот ишларини олиб бориш, янги техник воситаларни яратиш ва синовдан ўтказиш учун барча шароит мўҳайё қилинган. Бугунги кунда лабораторияда 30 га яқин тайёр техник ечимлар ишлаб чиқилган ва яна 9 та янги лойиҳа устида ишлар давом этмоқда. Мисол учун, "Пичоққа қарши ҳимоя қалқони" (ҳужумни аниқлаб, зарбани бартараф этади), "Робот ИИБ ходими" (хавфли вазиятларда жиноятчиларни автоматик ушлаб қолиш имконига эга мобил платформа), "Тинчлантирувчи

соат" (вазиятни барқарорлаштиришга мўлжалланган), "Ёлғонни аниқловчи тизим" (тана реакцияларига асосланиб ёлғонни аниқлашга ёрдам берувчи инновация) ҳамда "Анти-ҳалокат" (транспорт воситаларида йўловчиларни хавф-хатар ҳақида огохлантиради) қурилмалари барчада қизиқиш уйғотди. Лаборатория ишланмаларининг бир қисми аллақачон республиканинг 14 та ҳудудида ички ишлар органлари ва пробация хизматларида амалиётга жорий этилган.

Тадбир доирасида ўтказилган матбуот анжуманида институт раҳбари, полковник Бахтиёр Бердиалиев республикамиз ҳудудидаги криминоген вазият, жиноятчилик тенденцияси, сабаб-оқибатлари ва омиллариға тўхталиб ўтди.

Полковник Б. Бердиалиевнинг таъкидлашича, 2025 йилда ва 2026 йил якуниға қадар амалиётда 191 та жиноят тури бўйича пасайиш, 46 та жиноят тури эса умуман қайд этилмаслиғи кутилмоқда. Республика бўйича жиноятчиликнинг 17,6 фоизга камайиши прогноз қилинаётир. Ушбу ижобий прогноз биринчи навбатда Президент қарорларининг ижросини таъминлаш, ҳукуматнинг сиёсий иродаси ва тегишли органларнинг масъулият билан ишлаши, шунингдек, назоратнинг кучайтирилгани билан боғлиқлиғи айтилди.

Мулоқот давомида кибержиноятлар, фибрибгарлик ва ўғрилиқ жиноятлари, хавфли ҳудудларнинг "маҳаллабай" назорат тизими орқали кузатиб борилаётгани, вояга етмаганлар жиноятчилиги ва унга сабаб бўлаётган омиллар ҳамда трансмиллий жиноятларнинг Ўзбекистон ҳудудиға кириб келишининг олдини олиш бўйича илмий тавсиялар муҳокама қилинди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Olim RAVSHANOV

Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 737. 1635 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.